

## Испанияда 500 йиллик Қуръон топилди



17:49 / 21.08.2023 2571

Испанияда 500 йиллик Қуръони Карим нусхаси топилди. Бу ҳақда «Al-Axbor» манбасига таяниб, IQNA сайти хабар берди.

Маълумотларга кўра, Қуръони Карим нусхасидан ташқари 16-асрнинг бошларига тегишли яна иккита қўлёзма ҳам бўлиб, булар Испания жанубида жойлашган Малага шаҳридаги уй деворлари ёнидан топилган. Бу қўлёзмалар Муҳаммад ал-Жиёр исмли фақиҳ олимга тегишли экани қайд этилган. У фикҳ, математика, шеърият ва астрономия илмлари бўйича замонасининг етук олимларидан бўлган.

Испания оммавий ахборот воситаларининг маълумотига кўра, бу қўлёзмалар 5 асрдан кўпроқ вақт давомида яширилиб келинган, аммо 2003

Йил 28 июнь куни биноларни реставрация қилиш жараёнида ушбу ҳолат юз берган. Бироқ бу ноёб топилмалар ҳақидаги хабар йигирма йилдан сўнг маълум қилинди.

Ал-Жиёр 1490-йил Андалусиянинг Малага минтақасида жойлашган Ал-Кавсар шаҳрида истиқомат қилиб, фақиҳ ва воиз сифатида танилган. У ўз асарларида ҳуқуқ ва тарихга оид маълумотлар билан шуғулланган. Унинг асарларида Андалусиянинг ўша даврдаги мавқеи шунингдек, Гранада ва Испаниядаги мусулмон ҳукмдорларининг қулаши тасвирланган.

1500 йилда насроний ҳукмдорлари томонидан Муҳаммад ал-Жиёрга нисбатан тазйиқ бўлади. Улар олимга насроний бўлишни ёки Андалусияни тарк этишни таклиф қилишади ва у иккинчисини танлайди. Ал-Жиёр шаҳарни тарк этганига қарамай, бу шаҳарга бир кун келиб қайтиш умидида ўзининг мусҳафини ва икки қўлёмани уйининг деворига яшириб қўяди.

Уйнинг ҳозирги эгаси бу ҳақда шундай дейди: «Биз бу қўлёмаларни топганимиздан жуда ҳайрон бўлдик. Бундай ҳолатни ҳеч ким кутмаган эди. Бу қўлёмалар анъанавий Андалусия уйларининг кенг деворлари орасига беркитилган ва яшириб қўйилган экан».